

Мусулмонлар билан машҳур бўлган АҚШдаги Мичиган штати



16:30 / 11.03.2021 2145

2015 йилда Мичиган штатидаги олтита шаҳардан тўрттаси мусулмонлардан иборат бўлган ва Америка тарихида илк мартаба шаҳар кенгашининг кўпчилик аъзолари мусулмон бўлган.

Мусулмон аҳолиси билан машҳур бўлган Мичиган ҳудуди 2021 йилга келиб АҚШнинг олтинчи йирик штатига айланди (биринчиси Иллинойс штати).

Мичиган штатидаги Хамтрамк - Шимолий Америкада ва АҚШда мусулмонлар яшайдиган биринчи шаҳар ҳисобланади. 2010 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, шаҳар аҳолиси 22423 кишини ташкил этган. Хамтрамк Мичиган штатининг энг гавжум шаҳарларидан биридир.

Хамтрамк йигирманчи асрда Полша-Америка ҳаёти ва маданиятининг маркази сифатида танилган эди, аммо сўнгги 30 йил ичида шаҳарга, айниқса Яман ва Бангладешдан янги муҳожирлар кириб келди. Натижада шаҳар тузилиши тубдан ўзгариб кетди.

1970 йилда аҳолининг 90 фоизи полшаликлар эди, аммо бугунга келиб Мичиган штатининг бой ҳудудларида иммиграция сабаб аҳолининг атиги

11 фоизини поляклар ташкил этади холос.

Бугунги кунда Хамтрамк шаҳри кўплаб муаммолардан азият чекмоқда. Шаҳарда бир нечта автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган заводларнинг ёпилиши бир неча юзлаб аҳолининг ишсиз қолишига олиб келди. Иқтисодий вазият аҳолининг тахминан 49,1% статистик мезонларга кўра, камбағал деб таснифланган. Оқибатда бу Хамтрамкни Мичиганнинг энг қашшоқ шаҳрига айлантирди.

Freer маълумотлар базасида ёзилишича, ҳозирда поляклардан кейин босниялик му

Кейинги миграция тўлқинларига албанлар, македонияликлар ва украинлар кирган. 2001 йилга келиб Бангладеш, Босния ва Ироқдан кўплаб халдей насронийлари шаҳарга кўчиб келишди. 2011 йилга келиб, Хамтрамк аҳолисининг тахминан бешдан бир қисмини осийлик ташкил этарди. (Жануби-ғарбий осийликлар бундан мустасно). 2003 йилдан бери Хамтрамк шаҳрида 30 дан ортиқ тилларда сўзлашув жараёни амалда ва аҳоли тўртта динга амал қилиб келмоқда. Ислом, насронийлик, ҳиндуизм ва буддизм.

2000 йилларда шаҳарда расмий равишда фаолият олиб юритаётган масжидда азон чақирилиши учун шаҳар кенгашидан рухсат сўралган. Бироқ мусулмонлар ва диний фаоллар масжидни қўллаб-қувватласа-да, баъзи динга қарши фаоллар бу даъватга қарши чиқишди. 2004 йилда шаҳар кенгаши бир овоздан масжидларда азонни оммавий равишда эфирга узатиш ҳуқуқини берди ва АҚШнинг кам сонли шаҳарларидаги масжидда азон садоси янгради. Айни пайтда шаҳарда 4 та масжид мавжуд.

Хуршид Маъруф тайёрлади